

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
СЕРВИС ВА ТУРИЗМ ФАКУЛЬТЕТИ
МАРКЕТИНГ КАФЕДРАСИ

«Ҳимояга тавсия этилди»
Маркетинг кафедраси
муdiri, т.ф.д., проф.
_____ **Р.Нормахматов**
(имзо) (кафедра муdiri ф.и.ш.)
баённома № ____20__ йил «____» _____

5811600 - «Сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва
ишлар сертификацияси)» таълим йўналиши
ССЭ-109 гуруҳ талабаси Туёқбоев Мухриддиннинг “Гидам ва
гидам буюмлар ассортименти, сифатининг экспертизаси
(“Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси
мисолида)” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: т.ф.н., доцент
Ф.Ахмеджанова

**СамИСи Сервис ва туризм факультети 4-боскич ССЭ-109 гуруҳи талабаси
Туёқбоев Мухриддиннинг “Гилам ва гилам буюмлар ассортименти,
сифатининг экспертизаси (“Бекмеъ Хали” Ўзбекистон-Туркия қўшма
корхонаси мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий ишига**

ТАҚРИЗ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Республикамизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини баркарор ривожлантиришни таъминлаш, аҳолининг кундан-кунга ўсиб бораётган халқ истеъмолат талабларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг эътиборга олинган ҳолда ушбу битирув малакавий ишининг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш, 3 боб, хулоса ва тақлифлардан иборат.

Туёқбоев Мухриддин битирув малакавий ишида корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг сифатини ўрганиб, ассортимент ва истеъмолат хусусиятларини шакллантирувчи омилларга тўхталиб ўтган.

Ишнинг учинчи бобида гилам ва гилам буюмлар сифатини баҳолаб хулоса қилган. Ишнинг якунида гилам ва гилам буюмлар ассортиментини ва сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган тақлифлар киритилган.

Ушбу битирув малакавий иши “Бекмеъ Хали” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси мисолида ёзилган бўлиб, талаба томонидан берилган тақлифлар ишлаб чиқариш ассортиментини кенгайтириш, сифат тақомиллаштиришда инобатга олинади.

Ушбу битирув малакавий иши Олий таълим битирув малакавий иш талабларига жавоб бергани ва юқори баҳога лойиқ деб ҳисоблаймиз.

Бекмеъ Хали
Қўшма корхонаси

Рахбар, С. Ҳасан



СамИСи Сервис ва туризм факультети 4-курс ССЭ-109 гуруҳи талабаси
Туёқбоев Мухриддиннинг “Гилам ва гилам буюмлар асортимети,
сифатининг экспертизаси (“Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-Туркия қўшма
корхонаси мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий иши бўйича

МУЛОҲАЗА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб халқ хўжалиги турли тармоқларининг иқтисодий ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган еттигил саноат тармоғида ҳам катор ўзгаришлар бўлмоқда. Аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мамлакатимизда мавжуд бўлган саноат қишлоқ хўжалиги комплексларига қараб бўлган корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда халқ истеъмол товарларига бўлган аҳоли эҳтиёжини ҳисоб китобга кўра ўртача 55 % мамлакатнинг ички имкониятидан, 45 % атрофида импорт ҳисобидан қондирилмоқда. Аммо, импорт орқали келтириладиган баланд нархдаги товарлар бўйича истеъмол хусусиятлари билан иқлим шароитимизга, урф-одатимизга, миллий ананаваримизга тўла жавоб бермайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда бугунги кунда мамлакатимизда жуда кўп қўшма корхоналар очилиб, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Туёқбоев Мухриддиннинг битирув малакавий иши айнан шу долзалб муаммоларга қаратилган битирув малакавий иш кириш қисми, 3 боб, хулоса ва тақлифлардан ташкил топиб, бўлиб, кириш қисмида ишнинг долзарбдиги, мақсад ва вазифалари ёритиб берилган.

Ишнинг асосий қисмида гилам ва гилам буюмлар асортиментини истеъмол хусусиятлари сифат кўрсаткичлари, сифатига қўйиладиган талаблар қаби саволларга қаратилган адабиётларнинг адабиётларини таҳлили келтирилган.

“Бекмез Ҳали” қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган товарлар асортименти ва сифатини таҳлил қилиб чиққан. Олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда корхонада ишлаб чиқариладиган гилам ва гилам буюмлари асортиментини кенгайтириш ва сифат, тақомиллаштиришга йўналтирилган тақлифларни беришга ҳаракат қилинган.

Талаба битирув малакавий ишини бажариш жараёнида назарий олган билимларини амалиётда қўллаш қўникмаларига эга эканлигини кўрсатди ва ишни бажаришга масъулият билан ёндашди. Битирув малакавий иш расмийлаштирилиши жихатидан олий таълим муассасаларининг битирув малакавий ишлари талабига жавоб беради ва давлат аттестацияси комиссиясида ҳимоя қилишга тавсия этилади.

Маркетинг кафедраси
доценти, т.ф.и.



Ф.Ахмеджанова

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб. Товарлар сифатини шакллантирувчи ва сақловчи омиллар.....	6
1.1. Товарлар сифатини шакллантирувчи омиллар.....	6
1.2. Товарлар сифатини сақловчи омиллар.....	11
1.3. Товарлар ассортименти ва сифатини кафолатловчи меъёрий-ҳуқуқий асослар.....	22
II-боб. “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилоётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг таҳлили, истеъмол хусусиятлари.....	25
2.1. “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон Туркия Қўшма корхонаси фаолиятининг қисқача таърифи.....	25
2.2. “Бекмез Ҳали” Ўзбек-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг таҳлили.....	29
2.3. Гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг тижорат экспертизаси.....	31
III-боб. Гилам ва гилам буюмларининг сифат экспертизаси.....	37
3.1. Гилам ва гилам буюмлар сифатига қўйиладиган талаблар...	37
3.2. Гилам ва гилам буюмларини сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари.....	38
3.3. Гилам ва гилам буюмларининг сифат экспертизаси.....	44
3.4. Самарқанд шаҳар дўконлари ишчи-ходимлар меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш.....	54
Хулоса ва таклифлар.....	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	62

КИРИШ

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитидаги асосий вазифалардан бири мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш, унинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу вазифани ҳал этишда республикамизда амалга оширилаётган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишлари муҳим роль ўйнайди. Чунки, маҳсулот сифати асосан уларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш орқали таъминланади. Маҳсулот сифатини таъминлашга эса, уларнинг сифат кўрсаткичларини меъёрлаштириш орқали эришилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда сифат, ички ва ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш гарови ва фойда олишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатда сифатли маҳсулот қанча кўп ишлаб чиқарилса, шунча сифатсиз маҳсулотлар миқдорини камайишига, унинг ҳисобига хом аше ва яримфабрикатларнинг тежалишига, меъёрий – техник ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилиш ҳисобига тайёр маҳсулот реализациясининг ошишига олиб келади.

Ҳозирги кунда Республикамиз биргина Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари билангина эмас, балки дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида ташқи бозорга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот сифати ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Демак, ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ўта муҳим заруратлардан бири бўлиб ҳисобланар экан, чунки маҳсулотлар сифати иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давлат сиёсатини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, маҳсулот сифати унинг асосий кўрсаткичлари орқали характерланади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва меъёрий ҳужжатларга киритиладиган сифат кўрсаткичлари илғор фан ва техника, технология ва халқаро тажрибаларнинг талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қанча сифатли бўлса, у шунча жаҳон бозорида ўз ўрнини топади ва мамлакат иқтисодиётига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулот ҳажми мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади.

Маълумки маҳсулот сифатини таъминлаш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардоршлигини ошириш ва уни бошқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессиясида сўзланган нутқида Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим масалаларида: «...яъна бир долзарб масала – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, дунё стандарти даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг рақобатбардоршлигини оширишдир» деган эди.

Президентимизнинг ушбу сўзлари мамлакатимизни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда дастури амал бўлди десак хато қилмаган бўламиз, чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бозор муносабатларининг талабларидан бири, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардоршлигини ошириш ва таъминлашдан иборат.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ҳам стандартлар орқали белгиланади. Стандартда фан, техника ва халқаро тажрибанинг илғор ютуқлари шаклланади, чунки стандартларни тузишда маҳсулот сифатига ички ва ташқи бозор, инсон ҳаёти, мол–мулки ва атроф муҳит учун қўйиладиган хавфсизлик талаблар белгиланади.

Ҳозирги кунда ҳам янги ишлаб чиқариладиган ва амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мос келадиган маҳсулот сифатини янада яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бундай чора-тадбирлар ички ва ташқи бозор, иносн ҳаёти, унинг мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз ва жамият талабларига мувофиқ келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз битирув малакавий ишимизни олдида гилам ва гилам буюмлар ассортиментини таҳлил қилиб сифатининг экспертизасини ўтказиб хулоса чиқаришни мақсад қилиб қўйдик, мақсадимизга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга тўғри келди:

- гилам ва гилам буюмлар ассортименти истеъмол хусусиятлари сифат кўрсаткичлари. Сифатининг экспертига доир адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиб чиқдик.

- “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментини таҳлил қилиб чиқдик.

- гилам ва гилам буюмларини сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллариини ўрганиб чиқдик.

- тижорат дўконларида сотилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментини ўрганиб тижорат экспертизасини ўтказиб таҳлил қилиб чиқдик.

- “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлар экспертизасини ўтказиб таҳлил қилиб чиқдик.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиққан ҳолда гилам гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг ва сифатини такомиллаштириш йўллариини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Битирув малакавий ишимиз 4 та боб ва 9 та бўлимлардан ташкил топган бўлиб, тадқиқотларим асосий – жадвал, - ва диаграммаларда ўз аксини топган.

1-БОБ. ТОВАРЛАР СИФАТИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ВА САҚЛОВЧИ ОМИЛЛАР

1.1. Товарлар сифатини шакллантирувчи омиллар

Бу омилларга лойиҳалаш ва маҳсулотни яратиш, хом ашё ва материаллар, бутловчи буюмлар конструкцияси ва технологик жараёнлар (ишлаб чиқариш технологияси) киради.

Лойиҳалаш ва маҳсулотни яратиш жараёнида маҳсулот сифати ва миқдорига олдиндан маълум талаблар мўлжалланиб қўйилади. Бу талаблар бозор маркетинги тадқиқотлари асосида белгиланади. Унинг натижаси сифат даражаси ҳамда энг маъқул бўлган сон ёки миқдор тавсифларига (характеристикасига–буюмларнинг ўлчамлари, ўраб–боғлаш бирликларининг массаси ва ш.ў.) бўлган истеъмолчилар талабини аниқлаш ҳисобланади. Сон ва сифатни таъминлаш муваффақияти кўпроқ ушбу омилларга боғлиқ бўлади. Муайян (конкрет) маҳсулот тавсифларига бўлган талаблар қанчалик тўғри аниқланганлигига ва кўрсатилганлигига охириги натижа, яъни товарларни ўтказиш (тарқатиш) ва реализация қилиш боғлиқ бўлади.

Бу омиллар қолган барча сифат ва миқдорни шакллантирувчи омиллар учун белгиловчи ҳисобланади.

Хом ашё ва материаллар. Хом ашё товарлар сифатини шакллантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Одатда хом ашё дейилганда, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳар хил моддалар тушунилади

Хом ашё ва материаллар асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади.

Асосий хом ашё – хом ашёнинг таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқариш босқичларида тайёр маҳсулотнинг сифати ва миқдорини шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Тайёр маҳсулот сифати хом ашёнинг таркиби ва сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Масалан, кварс қуми таркибидаги темир

аралашмаси шишанинг тиниқлигини камайтиради ва унга зангори тус беради. Ёки лой таркибидаги темир аралашмаси чинни буюмларнинг оклигини пасайтиради ва ҳоказо.

Технологик қайта ишлов бериш пайтида ёки технологик жараёнлар босқичларида хом ашё таркиби ва хусусиятлари озми ёки кўп миқдорда ўзгариши мумкин. Шунга қарамасдан айрим пайтларда хом ашё ва материаллар жиддий ўзгармайди. Масалан, кийим тикишда газламанинг таркиби ва хусусиятлари ўзгармасдан қолади. Бу ерда фақат буюмнинг шакли конструкториясига мос равишда ўзгариши мумкин ҳолос. Лекин, озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий хом ашёнинг таркиби ва хусусиятлари тубдан ўзгариши мумкин. Масалан, нон, сухари, кондитер буюмлари, узум винолари, спирт, пишлоқ, ёғ ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда асосий хом ашёнинг таркиби ва хусусиятлари жиддий равишда ўзгаради.

Шунинг билан биргаликда асосий хом ашё ишлаб чиқариш технологияси билан бир қаторда тайёр маҳсулот ассортиментини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Масалан, чарм учун хом ашё ҳайвон терилари ҳисобланади ва у чармнинг турини белгилаб беради.

Ёрдамчи хом ашёлар – хом ашёнинг таркибий элементлари ҳисобланиб, тайёр маҳсулот ёки асосий хом ашёнинг таркиби ва хусусиятларини яхшилаш мақсадида ишлатилади. Ёрдамчи хом ашёларнинг таркиби айрим ҳолларда чегараланиб қўйилади. Масалан, юфть чармларининг таркибидаги ёғ моддаси 28-31 фоиздан кўп бўлмаслиги керак.

Озиқ – овқат маҳсулотлари ва ноозиқ – овқат товарлари ишлаб чиқаришда кўплаб қўшимча хом ашёлардан фойдаланилади, масалан, зиравор ва дориворлар, бўёқлар, консервантлар, пигментлар, қотирувчилар, ғовак ҳосил қилувчилар, эскиришдан сақловчи моддалар, тўлдирувчилар, пластификаторлар ва бошқалар.

Ёрдамчи материаллар ёрдамчи хом ашёларнинг бир тури ҳисобланади. Ёрдамчи материалларга ўраб – боғловчи ва пардозловчи (шпагатлар,

тасмалар, қистирғичлар ва шунга ўхшашлар) материалларни киритиш мумкин. Булар кўпроқ ноозик – овқат товарлари ва нисбатан камроқ озик – овқат маҳсулотлари учун ишлатилади.

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда кимёвий таркиби, келиб чиқиши ва хусусиятлари бўйича хилма – хил хом аше материалларидан фойдаланилади. Улар кимёвий таркиби бўйича органик ва ноорганик; келиб чиқиши бўйича – табиий, сунъий ва синтетик гуруҳларга бўлинади.

Ноорганик материаллардан кўпроқ металл ва уларнинг қотишмалари, силикат материаллари ва минераллардан кенг миқёсда фойдаланилади.

Металл ва уларнинг қотишмалари ҳамда улар асосида тайёрланган товарлар сиқилиш, чўзилиш ва эгилишга мустаҳкамлиги, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги, ўтга чидамлиги ва термик барқарорлиги ҳамда зангга чидамсизлиги билан характерланади.

Силикат материаллари табиий ва сунъий бўлади. Сунъий силикат материаллари табиий хом ашёларни қайта ишлаш йўли билан олинади. Уларга шиша, чинни, фаянс, мойолика ва сопол киради. Табиий силикатлар тоғ жинслари ва минераллардан иборат бўлади. Масалан, гранит, дала шпати, кварс қуми ва лой.

Силикат асосида тайёрланган товарлар ёнмайдиган, ғавакли, қаттиқ, сиқилишга мустаҳкам, электр ва иссиқликни кам ўтказувчан бўлади.

Органик материаллардан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кенг кўламда табиий ва сунъий целлюлозали, оксилли ва углеводли моддалар ишлатилади. Улар келиб чиқиши бўйича ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинади. Ҳайвонлардан олинадиган материалларга жун, ипак, (шоҳи), мўйна, шох, туёқ ва суяклар киради. Ўсимликлардан олинадиган материалларга ёғоч, пахта, зиғир, канаплар киради.

Синтетик материаллар (каучук, резина, смола, (қатрон) пластмасса) ҳар хил идишлар, газламалар, пойабзаллар, атторлик буюмлари, қурилиш материаллари, фото ва радиотоварлар тайёрлашда қўлланилади.

Буюмлар конструкцияси. Буюмлар конструкцияси тайёр буюмлар сифатини шакллантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Буюмлар конструкцияси деганда, унинг ўлчами (размери), шакли, бирлаштириш усули, деталлари ва қисмларининг ўзаро алоқаси (таъсири), айрим элементларининг ўзара нисбати, ўзаро алмашувчанлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари тушунилади. Буюмнинг конструкцияси унинг функционал, эргономик, эстетик хусусиялари, хавфсизлиги ва пишиқ-пухталигини таъминлаши керак.

Буюмлар конструкциясининг параметрларини танлаш кўп жиҳатдан уларнинг истеъмол характериға боғлиқ бўлади. Масалан, мураккаб техник товарлар учун дизайн ва техник даражаси билан бир қаторда, унификация, ўзаро алмашувчанлик, айрим деталлар қисмларнинг бир – бириға мос келиши ҳамда уларнинг пишиқ- пухталиги ҳам муҳим аҳамиятға эға бўлади.

Шунинг учун ҳам буюмлар конструкциясининг ўзига хослиги, уларнинг истеъмол хусусиятлари ва сифат даражаси орасидаги алоқани ўрнатиш товаршуносликнинг махсус бўлимларининг мазмуни ҳисобланади.

Технологик жараёнлар. Технологик жараёнлар дейилганда, тайёр маҳсулотнинг энг муҳим товаршунослик тавсифларини шакллантириш учун мўлжалланган операциялар мажмуи тушунилади. Технологик жараёнлар асосий хом ашё билан бир қаторда муайян маҳсулот сифати ва миқдори ҳамда унинг ассортиментини шаклланишиға ҳал этувчи таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнида хом аше ва материаллар механик, термик, физик – механик ва бошқалар таъсирида кўп ёки оз миқдорда ўзгаради, натижада тайёр маҳсулот сифати шаклланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси асосан уч босқичдан иборат бўлади: тайёрлов, асосий ва охириги босқичлар.

Тайёрлов босқичида асосий ва ёрдамчи хом ашёлар ва бутловчи буюмлар қайта ишлов бериш ёки йиғиш учун тайёрланади. Бу босқичда хом ашёларнинг бирламчи хусусиятлари амалда ўзгармайди ёки унча сезиларли бўлмаган даражада ўзгариши мумкин. Масалан, кийим ишлаб чиқаришнинг

тайёрлов жараёнида газлама бир неча қўшимча операциялар (тахлаш, бичиш, кесиш ва бошқалар) дан ўтади, лекин унинг сифати ўзгармасдан қолади.

Ноозик–овқат товарлари ишлаб чиқариш жараёнидаги тайёрлов операциялари озик–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан тубдан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг *асосий босқичида* тайёр маҳсулот олиш учун бажариладиган, яъни хом ашёлар (материаллар, яримфабрикатлар)га қайта ишлов бериш ёки бутловчи буюмлар (қисмлар) ни йиғиш билан боғлиқ бўлган операциялар бажарилади. Бу босқичда ишлаб чиқариш босқичининг асосини ташкил этади. Ушбу босқичда бирламчи хом ашёлар, материаллар ва яримфабрикатларнинг хусусиятлари сезиларли даражада ўзгаради ва уларни йиғиш натижасида тайёр маҳсулот ва бутловчи деталлар хусусиятларидан фарқли ўлароқ янги хусусиятларга эга бўлади. Масалан, пойабзал ва кийим – кечаклар ишлаб чиқаришда барча тайёр деталлар бир – бири билан бирлаштирилиб тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади.

Ишлаб чиқаришнинг *охирги босқичи* тайёр маҳсулотга товар кўриниш бериш мақсадида ишлов бериш, уларни сақланишлигини яхшилаш ва белгиланган талабларга мос келишини тасдиқлаш каби операциялар мажмуидан иборат бўлади.

Бу босқичда хом ашёнинг бирламчи хусусиятлари ўзгармасдан қолади, чунки тайёр маҳсулотнинг янги сифати аллақачон шаклланган бўлади. Бу босқичнинг барча операциялари тайёр маҳсулот сифатини қўшимча равишда яхшилаш учун (ўраб – боғлаш, сифат градацияси бўйича навларга ажрашиш, бўяш, тамғалаш ва ш.ў.) ёки сифатни охирги назорати учун йўналтирилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда жараёнларнинг тузилиши тайёр маҳсулотда ҳар хил нуқсонларнинг пайдо бўлишга сабаб бўлади, натижада тайёр маҳсулот сифати пасайиши ёки яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин.

1.2. Товарлар сифатини сақловчи омиллар

Бу омилларга товарларни жойлаш, ташиш, сақлаш, ишлов бериш, сотиш, (реализация қилиш), сотилгандан кейинги қараш (хизмат) ёки истеъмол каби омиллар киради.

Товарларни жойлаш. Товарларни жойлашдан асосий мақсад товарларни бузилиш ва йуқотишдан ҳамда атроф – муҳитни ифлосланишдан сақлаш ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам жойлаш воситаси жойланган товарни ташқи шароитнинг ноқулайликларидан сақлаш, товарларнинг айрим экзemplяrlари (бўлаклари)ни атроф – муҳитга тушишини олдини олиш ёки товарнинг миқдор томонидан камайишини таъминлаш ҳамда атроф – муҳитни ифлосланишидан сақлаш учун хизмат қилади.

Тара, урайдиган ва боғлайдиган материалларни жойлаш воситасининг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Тара – бу жойлашнинг асосий элементи бўлиб, товар жойлаштириш учун ишлатиладиган буюмдир.

Таралар қуйдаги белгилари бўйича таснифланади: жойлаш жойи, ишлатилиши, қўлланиладиган материали, шакли, юк қўтариши, габарити ва қайта ишлатилиши.

Таралар (жойлаш воситалари) жойлаш жойи бўйича *ишлаб чиқариш* ва *савдо* турларига бўлинади, ишлатилиши бўйича *истеъмол* ва *транспорт* тараларига ажратилади.

Истеъмол таралари нисбатан кичик товарларни қадоқлаш ва истеъмолчида товарни сақлаш учун ишлатилади. Бу турдаги жойлаш воситаларига олдиндан ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи белгиланган масса, ҳажм ёки узунликда товарларни жойлаштиради ва улар харидорларга шундай тарзда сотилади.

Суюқ озиқ – овқат маҳсулотлари ва ноозик – овқат товарлари учун чакана савдода истеъмол таралари (бутилкалар, банклар, қутилар, стаканлар ва шунга ўхшашлар)ни қўллаш мажбурий ҳисобланади.

Истеъмол тараларига куйидагилар киради: шиша ва металл банклар, бутилкалар, аралаш ва полимер материалларидан тайёрланган стаканлар, қоғозлар, фольга, пергамент, картон, полимер материаллари, ҳар хил ўлчамдаги кутилар, корзинкалар, халталар ва картон пакетлари киради.

Транспорт таралари (жойлаш воситалари) товарларни ташиш учун ҳамда майда улгуржи ва улгуржи савдода ишлатилади.

Транспорт таралари ўрайдиган, боғлайдиган материаллар ва бошқа мосламалардан иборат бўлади.

Транспорт таралари (жойлаш воситалари)га куйидагилар киради: юк цистерналари (темир йўл ва автомобиль), бочкалар, бидонлар, контейнерлар, кутилар (яшиқлар), корзиналар, коробкалар ва қоплар.

Жойлаш воситалари (таралар) қўлланиладиган материаллари, уларнинг механик барқарорларлиги ва чидамлиги бўйича *қаттиқ, ярим қаттиқ* ва *юмшоқ* тараларига бўлинади.

Қаттиқ тараларга металдан тайёрланган банкалар, тубиклар, контейнерлар, цистерналар ва боғлайдиган тасмалар: шишадан тайёрланган банклар, бутиклар, баллонлар; ёғочдан тайёрланган ёғоч кутилар, контейнерлар, корзиналар, бочкалар; полимер кутилар ва бошқалар киради.

Ярим қаттиқ таралар картон кутилар, қурама(комибинацияланган) кутилар ва шунга ўхшашлардан иборат.

Юмшоқ тараларга полимер папкалар, қоплар, пакетлар, шпагатлар, қоғоз қоплар, ўрайдиган қоғозлар; газлама қоплар, боқловчи материаллар (шпагат, арқонлар, тасмалар ваш .ў.) киради.

Қаттиқ таралар жойлашган товарларни ташиш ва сақлаш пайтида уларни ҳар хил механик таъсирлардан етарли даражада яхши сақлайди. Шунга қарамасдан, қаттиқ таралар нисбатан қимматроқ ва товарнинг массасига нисбатан оғирроқ. Бундай камчиликлар ўз навбатида тарага бўлган ҳаражатларни ошишига сабаб бўлади ва натижада фойдани камайтишига олиб келади.

Ярим қаттиқ таралар қаттиқ тараларга нисбатан камроқ массаси ва хажми билан фарқ қилади. Бўшаган ярим қаттиқ тараларни бир – бирининг устига тахлаб қўйиш мумкин, чунки улар яхши букланади. Бу эса товарни ташиш ва сақлашни осонлаштиради ва арзонлаштиради.

Юмшоқ таралар нисбатан юқори механик барқарорликка эга бўлган ёки қаттиқ, ярим қаттиқ таралар қўлланиши керак бўлган товарлар учун ишлатилади. Улар товарларни атроф – муҳит таъсирларидан сақлаш даражаси бўйича жуда кейинги ўринларда туради. Шунинг учун улар маълум номдаги товарлар учун қўлланилади. Шунга қарамадан юмшоқ таралар (полиэтилен пакетлар) кўплаб истеъмол товарларини жойлаш учун кенг миқёсда қўлланилади. Чунки улар сотиб олишда, сақлашда, қайтаришда унча катта харажат талаб қилмайди.

Таралар юк кўтариши бўйича *катта (огир) юк учун*, габарити бўйича – *йирик, ўрта ва кичик габаритли*, қайта – қайта ишлатилиши бўйича *бир марта ва кўп марта ишлатиладиган* бўлади.

Оқилона тараларни танлашда товарларнинг хусусиятлари билан бир қаторда уларга таъсир этиши мумкин бўлган бошқа таъсирлар ҳам эътиборга олиниши зарур.

Жойлаш воситалари (таралар)га хавфсизлик, экологик, пишиқ – пухталиқ, ўзаро алмашувчанлик, иқтисодий самарадорлик ва бир – бирига мос келишлик каби энг муҳим талаблар қўйилади.

Товарларни сақлаш. Товарларни сақлаш дейилганда, уларнинг сақланиш даврида бирламчи хусусиятлари стабиллиги ёки минимал йўқотишлар билан ўзгаришини таъминлаш тушунилади.

Товарларни сақлаш пайтида уларда энг муҳим истеъмол хусусиятларининг кўрсаткичларидан бири бўлган сақланишлиқ хусусияти намоён бўлади. Товарларнинг ушбу хусусиятлари туфайли уларни қаерда жойлашганлигидан қатъий назар ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчигача етказиб бериш имконияти туғилади. Масалан, банана, ананас ва шунга ўхшаш озиқ – овқат маҳсулотлари тропик мамлакатларда етиштирилади.

Шунга қарамасдан улар ер юзининг барча ҳудудларига тарқалган. Чунки, улар яхши сақланишлик хусусиятга эга.

Сақлашнинг оптимал режимини танлашда товарларнинг истеъмол хусусиятларига таъсир этувчи омиллар (намлик, ҳарорат, ёруғлик, кислород ва бошқалар) албатта эътиборга олиниши зарур.

Сақлаш режими дейилганда, товарларнинг сақланишлигини таъминловчи иқлим ва санитария – гигиеник талаблар мажмуи тушунилади.

Алоҳида сақлашнинг оптимал режимини таъминлаш мақсадида ўзига хос омборлар ташкил этилади

Омборларда товарларни сақлашда ҳарорат ва нисбий намлик муҳим роль ўйнайди. Чунки, ҳароратнинг кўтарилиши билан кимёвий, физик – кимёвий, биологик ва микробиологик жараёнлар кучаяди. Масалан, Вант – Гоффнинг таъкидлашича ҳароратнинг ҳар бир 10^0 С га кўтарилиши, кимёвий жараёнининг тезлигини 2 – 3 баробар оширади экан. Шунинг учун кўпчилик озиқ – овқат маҳсулотларини сақлашда ҳароратнинг 0^0 га яқин бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик паст ҳароратда сақланувчи товарлар учун пастки ёки охириги чегара музлатиш билан чегараланади (агарда уларнинг айрим истеъмол хусусиятлари ёмонлашса ёки пасайса). Товарнинг таркибидаги сувни музлаши товарнинг микро тузилишини бузади, айрим ҳолларда жойлаш воситалари (таралар) ҳам бузилади. Натижада микроёриқлар пайдо бўлади, биообъектларнинг ўлиши ва тўқимлар (клеткалар)нинг бузилишига сабаб бўлади. Масалан, товарлар (лок - буёқ)да ҳароратнинг музлашга яқинлиги уларда чўкмалар ҳосил бўлишга сабаб бўлади.

Айрим ноозиқ – овқат товарлари (ҳайвон терилари)ни музлатиш йўли билан сақлашда ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Музлатиладиган товарлар учун охириги ҳарорат чегараси бўлиши унча кўп шарт эмас, чунки уларни – 10 дан 40^0 гача ҳароратда сақлаш мумкин. Шунга қарамасдан, бундай товарлар учун юқори ҳарорат чегараси 8^0 С дан ошмаслиги керак.

Таркибида эркин ҳолда суви (намлиги) бўлмаган товарлар (газламалар, чармлар, мўйналар ва улардан тайёрланган буюмлар) бузилмасдан паст ҳароратларда ҳам сақланиши мумкин. Шунинг учун ҳам барча истеъмол товарларининг хусусиятлари хилма – хил бўлганлиги сабабли, улар учун ягона оптимал йўқ. Шу сабабли барча истеъмол товарлари термик ҳолати ва оптимал ҳарорат режими талаблари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Ҳавонинг нисбий намлиги дейилганда, ҳавонинг сув буғлари билан туйинганлик даражасини характерловчи кўрсаткич тушунилади.

Маълумки товарлар таркибидаги сув (намлик)нинг боғланиши натижасида товарлар сифат ва миқдор томонидан камаяди ёки пасаяди. Масалан, товарларнинг намлиги қанча юқори бўлса, уларда йўқолишлар шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам намлиги кўп бўлган товарларни ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган жойларда сақлаш тавсия этилади.

Шунга қарамасдан, бундай намлик режими қуруқ товарлар учун унча маъқул эмас, чунки улар сув буғларини ютиши, намланиши натижасида микробиологик бузилишларга берилиши мумкин. Масалан, товарларда намликнинг пайдо бўлиши натижасида микробиологик бузилишлар тезлашади ҳамда металлдан тайёрланган буюмларда занглаш жараёни бошланади.

Демак, ҳаво нисбий намлигининг оптимал вариантини танлаш товарларнинг кимёвий таркиби, уларнинг гигроскопиклиги, сақланиш ҳарорати ва сақловчи қабиқлар (оболочка)нинг мавжудлиги билан белгиланар экан.

Ҳавонинг намлиги ҳам ҳарорат каби сақлаш режимининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади ва стандарт бўйича регламент белгиланади.

Савдо хоналари, айниқса омборхоналарда ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигини ўзгариб туришини даврий равишда назорат қилиб туриш учун ҳеч бўлмаганда оддий приборлар (психометр ва гигромерт)дан фойдаланиш керак. Кўпчилик товарларни муддатга сақлаш пайтида энг маъқул ҳавонинг

нисбий намлиги 50-70% (ноозик – овқат товарлари учун) ва 65-95% (озик – овқат маҳсулотлари учун) атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Товарларни сақлаш пайтида омборларда ҳавони алмаштириб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳаво алмашинуви дейилганда, омборхона ичидаги ҳавонинг ҳаракат тезлиги ва унинг неча марта алмашиб турилиши тушунилади. Ҳаво алмашиш жараёни шамоллатиш ва циркуляция (омбордаги ҳавонинг бир жойдан бошқа жойга силжиб туриши) йўли билан амалга оширилади.

Товарларни сақлаш пайтида атроф – муҳитдаги газнинг таркиби ҳам маълум даражада уларга таъсир этади.

Ундан ташқари айрим товарлар сақланиш пайтида ҳар хил газга ўхшаш моддалар (корбонат ангидрид, этилен, хушбўй моддалар, учувчан кислоталар, азот, аммиак ва бошқалар) чиқаради ва улар ҳам ўз навбатида омбордаги ҳаво газининг таркибига таъсир кўрсатади.


Бундай ҳолат сақланаётган товарларнинг ифлосланиши ва уларнинг истеъмол хусусиятларини ўзгаришига сабаб бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари товарларни сақлаш пайтида санитария–гигиеник режим талабларига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санитария–гигиеник талабларга товар сақланадиган жойнинг ва товарларнинг тозаллиги, омборларда ҳар хил ҳашаротлар ва кемирувчиларнинг бўлмаслиги каби кўрсаткичлар киради. Омборларда сичқонга ўхшаш кемирувчиларнинг мавжудлиги сабабли, айрим ноозик – овқат товарлари (газлама, чарм, мўйна ва улардан тайрланган товарлар)нинг ҳам сифати пасаяди ва айрим ҳолларда яроқсиз бўлиб қолади. Ундан ташқари улар инфекцион кассаликлар тарқатувчилари ҳам бўлиши мумкин.

Товарларни жойлаштириш (размещение). Кўпчилик товарларнинг сифатини сақлаш кўп жиҳатдан сақлаш вақти ва уларни жойлаштириш қоидаларига риоя қилинишига боғлиқ бўлади. Товарларни жойлаштириш омборхоналарни юк билан тўлдирилган фойдали майдони, юк билан

таъминганлик (загрузка) коэффиценти ва жойлашиш баландлиги билан характерланади.

Товарларни сақлаш учун жойлаштиришда бир – бирига мос келишлик (совместимость), хавфсизлик ва самарадорлик тамойиллари (принциплари)га асосланган маълум қоидаларга амал қилиниши керак. Қуйидаги расмда товарларни жойлаштириш томойиллари ва қоидалари кўрсатилган.



1 – расм. Товарларни жойлаштириш тамойиллари

Товарлар қўшничилик қоидаси бир хил режамда сақланадиган ҳамда сорбцион хусусиятлари билан бир – бири учун маъқул (мос) бўлган товарларни биргаликда сақлашга талаблар белгилайди ва у бир хил товарларни бир – бирига мослик тамойилига (принципига) асосланган, яъни бу товарларни сақлашда улар бир – бирига зарарли таъсир кўрсатмайди.

Товарлар қўшничилик қоидасига кўра ҳарорат – намлик сақлаш режими, газ таркибли муҳит ва ҳаво алмашуви ёки шамоллатиш бўйича қўйиладиган талаблар ҳар хил бўлган товарларни биргаликда сақлаш мумкин эмас. Масалан, полимерли материаллар ва мўйна товарларини биргаликда жойлаштириш (сақлаш) мумкин эмас, чунки улардан бирининг (мўйна товарларининг) намлиги ошиб, микробиологик бузилишларга берилиши ва товар кўринишини йўқотиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, айрим товарлар атроф – муҳитга газга ўхшаш моддалар чиқаради. Уларнинг кўпчилиқ қисми ароматик моддаларнинг вакили ҳисобланади. Бошқа юқори сорбцион ҳажмига эга бўлган товарлар ҳаводан ушбу газларни ютиши мумкин. Натижада товарлар ўзига хос бўлмаган, ҳатто ушбу турдаги товар учун ёқимсиз ҳидга эга бўлиб қолади. Масалан, чой ёки қаҳвадан, духи ёки атир ҳидининг келиши.

Омборхона майдонидан оқилона фойдаланиш деганда, товарларни девор, патолок, совитиш ва иситиш приборларидан рухсат этиладиган минимал масофада сақланишини эътиборга олган ҳолда, майдонни юк билан оптимал равишда таъминлаш тушунилади. Омборхоналарни юк билан таъминлаш оптимал майдони, таъминлаш ҳажми ёки коэффиценти билан аниқланади.

Юк билан таъминлаш майдони – омборхонанинг товар билан банд бўлган фойдали майдони.

Юк билан таъминлаш ҳажми деб, омборхонанинг товар эгалланган ҳажмига айтилади.

Юк билан таъминлаш коэффиценти – бу нисбий кўрсаткич бўлиб, юк билан таъминлаш ҳажмининг омборхонанинг умумий ҳажмидан нисбати билан топилади.

Омборхоналарни ҳаддан ташқари юк билан тўлдириш, юк билан таъминлаш коэффицентини оширади, унинг ҳажмидан эса тўлиқ фойдаланилади, бироқ омборхонанинг айрим жойларида ҳарорат ва намликнинг ошиши натижасида сақлаш режими бузилиши мумкин ва у товарлар сифатини пасайишига сабаб бўлади.

Товарларнинг маълум даражага тахлаш баландлиги уларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Товарлар омборхонанинг ташқи деворига тегиб турмаслиги, иситиш ва ёритиш приборларидан узоқроқ бўлиши керак. Ундан ташқари товарлар қатори орасидан ўтиш, уларни тозалаш, назорат қилиб туриш, (қайтадан тиклаш, уларни навларга ажратиш ва ҳоказолар) учун оралиқлар бўлиши керак.

Товарларга қараш (уход) масаласи халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга, чунки товарлар хизматини ўз вақтида қилиш ва уларга эътибор қаратиш, кўпчилик товарларнинг ташқи кўринишини яхши сақланиши, тезда бузилмаслиги ва уларнинг узок вақт хизмат қилишига имкон яратади.

Товарларнинг энг муҳим сақлаш принципларига қуйидагиларни киритиш мумкин: товарларни авайлаш ёки эҳтиёт қилиш, уларни ноқулай ташқи таъсирлардан сақлаш, маълумотлар билан таъминлаш, доимий равишда назорат қилиш ва иқтисодий самарадорлик.

Товарларни авайлаш ёки эҳтиёт қилиш дейилганда, товарларнинг барча босқичларида белгиланган иқлим ва санитария – гигиеник режим талабларига мажбурий риоя этиш тушунилади. Бундай мажбурий талаблар ноозик – овқат товарларига нисбатан озик – овқат маҳсулотлари учун кўпроқ тааллуқлидир.

Ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирлардан сақлаш деб, товарларни ташиш ва сақлаш пайтида иқлим ва бошқа ноқулай шароитлар таъсиридан сақлашга айтилади. Бунинг учун санитария – гигиеник ва иқлим режимлари ва товарларни тахлаш баландлиги талабларига риоя қилиш, товарларни ортиш ва тушириш пайтида уларга яхши муомалада бўлиш, сақлаш пайтида улардан тез – тез хабар олиб туриш (уход) керак бўлади.

Товарлар тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш – бу талабгор субъектларга товарларнинг сақланиш муддати ҳақидаги маълумотларни етказишдир.

Товарларнинг барча технологик босқичларида даврий равишда назорат қилиб туриш, уларни узок муддатга сақлаш пайтида эса маълум бир вақт оралиғида назорат қилиб туриш *системали назорат* деб аталади. Масалан, товарларни топшириш ва қабул қилишда мажбурий назорат қилинади. Бундай назорат бир вақтнинг ўзида таъминловчи учун *охирги* ва қабул қилувчи учун эса *биринчи назорат* ҳисобланади.

Сақлаш пайтида доимий (систематик) равишда асосан учта объект назорат қилиниб турилади: товарлар, уларнинг ўраб – боғланиши (упаковки) ва сақланиш режими.

Сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги дейилганда, танлаб олинган сақлаш услубининг товарларни кам йўқолишлар ва сақлашда оқилona харажатлар билан сақлаш қобилияти тушунилади. Масалан, товарлар йўқолишини сақлашнинг минимал вақтгача етказиш ҳисобидан камайтириш мумкин. Сақлаш учун кетган харажатлар ҳамиша ҳам йўқолишларни камайтириш ҳисобига қопланавермайди, айрим ҳолларда харажатлар харажатларни камайтириш ҳисобидан олинган фойдадан сезиларли даражада ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам танлаб олинган сақлаш усулининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш товарларнинг аниқ йўқолиши (потери) ва сақлаш учун аниқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Шундай қилиб, товарларга доимий равишда қараб туриш (уход) ва назорат қилиш товарлар сифатида бўлаётган айрим салбий ўзгаришларни аниқлаш, уларни олдини олиш, йўқолишларни камайтириш ва товарларга қарашдаги харажатларни камайтириш имконини яратиб берида.

Товарларни ташиш. Товарларни ташишда уларнинг сифати жойланадиган тарани оқилona (рационал) танлаш, унинг мастаҳкамлиги, товарларни тарада зич жойлашиши, транспорт воситалари ва товарларни механик ҳамда атмосфера таъсирларидан сақланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Товарларни ташишда товарлар тарага зич жойланиши, бўш жойлари упаковка қилинадиган материаллар ва қистирмалар (прокладка) билан тўлдирилиши керак.

Буюмларнинг товар кўринишини сақлаш мақсадида улар махсус жиҳозланган транспортларда ташилади. Масалан, костюмлар ва пальтолар кийимосғич (плечик)ларга кийгизилиб илиб қўйилади.

Товарлар темир йўл, денгиз, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспортлари орқали ташилади.

Темир йўл транспортининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат: юк ташиш ва иш бажариш қобилиятининг юқорилиги, иқлим шароити, кун ва йил вақтига қарамасдан мунтазам равишда юк ташиши, юк ташиш таннархининг юқори эмаслиги, юк етказиб берилиши, ҳаракат қилувчи состав ва йўллардан фойдаланиш кўрсаткичларининг юқорилиги ва бошқалар.

Денгиз транспорти юкларнинг континентлараро ташилишини таъминлайди, узоқ масофага юк ташиш таннархи паст, амалда иш бажариш ва юк ташиш қобилияти юқори ва чегараланмаган, дарё транспортига нисбатан ҳаракат тезлиги юқори. Шунга қарамасдан денгиз транспортида юк ташиш географик ва навигация шароитларига боғлиқ бўлади ва денгиз бўйича порт хўжалигини ташкил қилишни талаб этади.

Дарё транспорти чуқур сувли дарёларда юқори даражада юк ташиш қобилиятига эга, юк ташиш таннархи нисбатан паст, сув йўлларини ташкил қилиш бўйича қилинадиган капитал харажатлар унча катта эмас. Юк ташиш тезлигининг унча катта эмаслиги, ишнинг мавсумийлиги ва дарёлар чуқурлигининг бир хил эмаслиги уларнинг камчиликлари ҳисобланади.

Автомобиль транспорти юқори даражада манёврчанлиги ва ҳаракатчанлиги, юкларни тезлик билан етказиб бериши, маҳсулотни то манзилигача қайтадан тушириб ортмасдан етказиб бериши билан характерланади. Бироқ унинг меҳнат унумдорлиги, эксплуатация қилиш кўрсаткичлари ва йўл тармоғининг даражаси пастроқ.

Трубопровод транспорти асосан нефть ва газ маҳсулотларини бир жойдан бошқа жойга ўтказиш учун хизмат қилади. Бунда таннархнинг пастлиги ташиш ва қуйишни автомотлаштиришни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ва тўкиш операцияларининг герметиклиги таъминланади. Бу турдаги транспортларга нисбатан кам капитал маблағ талаб этади. Унинг камчилиги қисқа ихтисослашганлигидир.

Ҳаво транспорти юкларни юқори тезликда етказиб бериши, узок масофага тўхтовсиз учиб бориши ва бошқа ижобий хусусиятлари билан характерланади. Шунга қарамасдан юк ташиш таннархининг баландлиги сабабли, ундан асосан йўловчиларни ташиш учун фойдаланилади.

1.3. Товарлар ассортименти ва сифатини кафолатловчи меъёрий-хуқуқий асослар

Ассортиментнинг кенглиги ва тўлалигини ташкил этувчи бир турдаги ёки ўхшаш товарлар ассортимент гуруҳларининг турлари ва номларининг рўйхати ҳар хил категориядаги маҳсулотлар учун мўлжалланган стандартларда (ГОСТ, O'zDSt, TSt, KSt) ва техник шартлар (TSh)да белгиланади. Бу меъёрий ҳужжатларнинг биринчи бўлими «Классификация» (таснифлаш) ёки «Ассортимент» ёки «Турлари» (виды) деб аталади. Ундан ташқари қатор стандартларда товарлар тури ва хилларининг қисқача тавсифи келтирилган бўлиши мумкин.

Стандартлар билан бир қаторда товарлар ассортименти каталоглар, прејскурантлар ва фирма тайёрловчилар ёки савдо ташкилотлари тузадиган прайс – варақа (лист)ларда ҳам келтирилади. Бу ҳужжатлар истеъмолчиларга ассортимент ва нархлар характеристикаси ҳақида ахборот бериш билан икки функцияни бажаради.

Чет мамлакатларда давлат ва фирма даражасида ишлаб чиқиладиган каталоглар кенг қўламда тарқалган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ягона давлат каталогини яратиш бўйича маълум даражада ишлар қилинмоқда. Бундай каталоглар чиққандан сўнг Ўзбекистон товарларининг тўлиқ ассортиментини ўз ичига олувчи технологик ҳужжат пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 1–моддасида кўрсатилгандек, *шартнома* – бу олиш–сотишни амалга оширишда ишлар бажариш ва хизматлар

кўрсатишда, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъморчилар билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрожи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув.

Шартнома (битим) тузиш олди–сотди битимини имзолаш маросимидаги энг мураккаб ва масъул операциядир. Томонлар хулқи кўп жихатдан шартноманинг қандай тузилганлигига боғлиқ бўлади, чунки шартнома битим шarti, томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари, шартнома бажарилмай қолган ҳолларда уларнинг жавобгарлиги (масъуллиги)ни шахсан белгилаб беради. Ҳаракатдаги қонунлар эса фақат шартномада кўрсатилган қонуний муносабатлар доирасини белгилаб беради.

Олди–сотди шартномаси – бу одатда, шартнома предмети, баҳо (наrx), етказиб бериш муддати, товарни ўраб – боғлаш шarti, ҳақ тўлаш шarti, сон ва сифат бўйича қабул қилиш, етказиб бериладиган товар сифатининг қафолати, томонлар мажбурияти, етказиб бериш муддатининг кечиктирил-ганлиги учун жарима, шартномани бажармаганлиги учун жарима, жавобгарлик (масъулиятлик)дан озод этиш шартлари, кучга кириши, шартномани бекор қилишнинг ҳуқуқий тартиби ва натижалари каби масалаларни тартибга соладиган (регулировка қиладиган) кўп саҳифали ҳужжат.

Тўғри тузилган шартнома–бу зарарлардан сақловчи ишончли қафолатдир.

Шартнома ёки битим предмети–бу шартнома ёки битим нима тўғрисида тузилса, ўша унинг предмети бўлиб ҳисобланади. Масалан, иккита корхона бир – бири билан шартнома тузади ва бири иккинчисига телевизор сотади. Бу ҳолда шартнома предмети телевизор бўлиб ҳисрбланади.

Шартнома предмети қуйидаги сўзлар билан бошланади: масалан, шартнома предмети–телевизор олди – соттиси. ... сўнгра қандай телевизор, қанча, қайси нархда ва қайси муддата сотувчи сотиб олувчига етказиб беришга ваъда беради.

Агар шартнома кенг ассортиментдаги телевизорларга тузилган бўлса, у ҳолда шартнома матнида товар мазмунини кўрсатмасдан бирданига уларнинг рўйхати ва тавсифи берилган тегишли ҳужжатларга ҳавола қилиш мумкин.

Товарни сифат ва сон бўйича қабул қилиш сотувчи вакилининг иштирокида сотиб оловчи томонидан амалга оширилади.

Товарни сифат ва сон бўйича қабул қилиш натижаси экспертиза далолатномаси билан расмийлаштирилади.

2-боб. “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилоётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг таҳлили, истеъмол хусусиятлари

2.1. “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон Туркия Қўшма корхонаси фаолиятининг қисқача таърифи

Азалдан уйда ҳақиқий шинамлиқни яратувчи асосий жиҳозлардан бири гиламлар ҳисобланган улар бежирим ва интерерни безатувчидир гўзалиқ ихлосмандлари ва дизайн мутахасислари бугунги кунда бекмез хали маҳсулотларини танлашади 2007 йилда ташкил этилган бекмез хали Ўзбек Турк қўшма корхонаси Ўзбекистонда энг замонавий ва инавацион гилам ишлаб чиқарилиш корхоналаридан бири ҳисобланиб Ўзбекистонда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида илғор поғналардан бирини эгаллаган ҳар бир миқоз истагига кўра турли хилдаги ўлчаовда ва турли рангда мутахасислар томонидан доимий янгиланиб туриладиган миллий ва замонавий кўринишга эга бўлган нақишлардан фойдаланиб гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган корхонада маҳсулотлар сўнги технологиялар ёрдамид ишлаб чиқарилади ишлаб чиқаришда фақат оилӣ навли ва табиӣ тоза ҳамда корхонада ишлаб чиқарилган хом ашёдан ҳамда ташқари ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашё маҳсулотлари дан фойдаланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологик нормаси ва қоидалари халқора стандартларга жавоб беради шу сабабли корхона маҳсулотларига нафақат ўзбекистонда балки ундан ташқарида ҳам талаб катта. Корхонада миқозларга алоҳида этибор берилган бўлиб уларнинг талабларига мос равишда масулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонада 30 га яқин гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам маҳсулотлари асосан табиӣ суний яъни вискоза синтетик акрил ва полипрополин иплар ва калавалардан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.



Ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам махсулотлари сифати жиҳатдан жундан ишлаб чиқарилган гиламларга тенг келмоқда корхона ўз фаолиятини узлуксиз амалга ошириб боориш учун асосий хомашё материалларини нафақат маҳаллий балки импорт орқали Туркия Эрон Хитой Россия Украина каби давлатларидан шартнома асосида сотиб олиб махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. 1-жадвалда корхонанинг асосий хом ашё етказиб берувчилари ҳақида маълумот келтирилган.

1-жадвал

Корхонага хом ашё етказиб берувчилар ҳақида маълумот

Т/р	Давлатлар номи	Хом ашё тури
1.	Эрон	Полипропилен, полиэтилен
2.	Туркия	Акрил иплар, полипрополин иплари, вискоза иплари ва калавалари
3.	Россия (“Колрос”)	Бўёқлар
4.	Хитой	Эластик тасма ва бириктириш иплари, елимлар

1-жадвал маълумотларида кўйриб турибдики корхон узлуксиз равишда махсулотлар ишлаб чиқариш учун гилам ва гилам буюмларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган полиэтилин ва полипрополин ипларини корхонани ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Полиэтилин ва полипраполин ипларини ишлаб чиқариш учун хомашёни асосан Эрондан олиб келиб ишлатилса иплар ва калаваларга турли хил ранглар ва туслар бериш учун бўёқларни Россиянининг “Колрос” корхонасида ишлаб чиқарилган бўёқларидан фойдаланилган.



Шу билан биргаликда Туркияда ишлаб акрил полипрополин вискоза иплар ва калавалари гилам вагилам махсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади гилам ва гилам махсулотлари ишлаб чиқариш учун қўшимча хомашёни яъни елимлар тасмалар ва бириктириш ипларини Хитойдан олиб келиб гилам махсулотлари учун ишлатилади. Корхонада гилам ва гилам махсулотлари тўқиш учун Белгиянинг Ван девил корхонасининг кампютерлаштирилган дастгоҳларида амалга оширилади бу дастгоҳларни абзаллиги шундан иборатки кампютер дастгоҳига киритилган гилам тури дизайни нақши ўлчамларини афтаматлаштирилган тарзда нақшлар учун рангларни танлаб олиб гилам махсулотларини ишлаб чиқаришни амалга ошириб боради.

2.2. “Бекмез Ҳали” Ўзбек-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг таҳлили

Маҳалий бозорларда сотилаётган гилам вагилам буюмлар ассортиментини кенгайтириш ва истемолчилар талабини қондириш мақсадида Бекмез ҳали Ўзбекистон Туркия қўшам корхонасида 4-турдаги 30 га яқин артикулда гилам ва гилам махсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ҳукмдор - Ананавий равишда, гилам сўнги технология жиҳозларида юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² зичлиги да 960 000 поинтни ташкил қилади, патининг узунлиги 13 мм, 8 хил рангда ишланган.



Император - гилам сўнги технология жиҳозларида, юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² да зичлиги 480 000 поинтни ташкил қилади, патининг узунлиги 13 мм, 8 хил рангда ишланган ва қўлда уйма қилинган.



Империял - гилам сўнги технология жиҳозларида юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² да зичлиги 352 000 поинтни ташкил қилади, патининг узунлиги 10 мм, 8 хил рангда ишланган.



SULTAN GOLD - ўзининг жозибали дизайни билан лол қолдирадиган ушбу гилам акрилли ва юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² да зичлиги 480 000 поинтни ташкил этади, патининг узунлиги 13 мм.



2.3. Гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг тижорат экспертизаси

Бозор муносабатларининг равақ топишида эркин рақобат ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда тижорат фаолиятини ташкил этиш, авваломор, тижорат соҳасидаги изланишларнинг моҳиятига, мазмунига ва йўналишига асосланади тижорат экспертизасининг ялпи тижорат фаолиятини ташкил этишда уни бошқаришда, ривожлантиришда ва назорат этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиши-замонавий тижорат назариясининг асосий хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Тижорат экспертизасини юқори даражада ташкил этилиши уларнинг кўлами тахлилий ва қайта ишлаш жараёнида фойдаланадиган услублар йиғиндиси бевосита корхона ва фирманинг тижорат стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлапки “таянч нуқтаъ” ҳисобланади истемол бозори тобора янги таварлар ва хизматлар билан бойиб бораётган бугунги шароитда янги имкониятларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланишда тижорат экспертизасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг асосий шартлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдорлигини таъминлаш ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасида муносабатларни самарали шакл ва услубларда ташкил этишдан иборат. Бу ҳусусда юртбишимиз И.Каримов бундай фикирни олға сурган эди: “ишлаб

чиқарувчиларни ҳам истемолчиларнинг ҳам рухиятини ўзгартириш лозим биз ўзимиз ишлаб чиқарадиган, харид қиладиган нарсалар билан ўзимизда ишлаб чиқариладиган кийим-кечаклар билан фахирланишимиз керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланаётган молларни сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шанимизга доғ бўлиб тушади. Биз “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”деб тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қиладиган, ортиқча рекламага мухтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор.

Истемол бозори кўламини ўрганишда, таварларни мавқеини, тавар асартиментининг кенглиги, харидор талаби, маҳаллий бозорда импорт таварларнинг ўрни ва рақобатчилар ҳақида маълумот олишда тижорат экспертизасин аҳамияти бекиёс каттадир. Тижорат экспертизасини ўтказиш асосида истемол бозоридаги таварлар ҳаракатини ўрганиш имкони туғилади. Таварларни тижорат экспертизасини ташкил этишда бир қанча услублардан фойдаланилади. Айниқса кузатиш, эксперимент, сўров ва гуруҳли баҳс услублари кенг қўлланилади. Лекин улар асосида Ахборотни йиғиш воситалари, куруллари танлов тартиби турлича бўлиши мумкин. Кузатиш бирламчи ах борот олишда кўп қўлланиладиган услуб ҳисобланади мутахассисларнинг тегишли муаммо бўйича шахсий кузатишлари баҳолашлари умумлаштиришлари асосида амалга оширилади. Сўров услуби тадқиқотда ўрганилаётган объектнинг моҳияти интилш хусусиятлари борасида кўпроқ маълумот тўплашда кўп қўлланилади эксперимент тадқиқотларда муқобил деб белгиланган йўналишлар бўйича истакдаги амалий ҳолатни вужудга келтириш ва бу асосда самарали бўлган йўналишга тасир этувчи омилларни аниқлашга асосланди. Гуруҳли баҳс услуби тадқиқотларда мураккаб ва долзарб мавзу бўйича этакчи мутахассисларнинг гуруҳ тарзидаги суҳбатини мунозараларини ва бу асосда ишлаб чиқарилган умумий таклифларни ишлаб чиқаришга таянади биз ўз тадқиқотимизда таварларнинг тижорат экспертизасининг кузатиш услубининг танлама кузатиш турини танлаб олдик. Танлама кузатиш тижорат экспертизасида кўпроқ

қўлланиладиган услуб ҳисобланади танлама кузатиш бир неча афзалликларга эга.

Биринчидан, танлама кузатишда йиғиладиган маълумотлар тез фурсатларда амалга оширилади бу эса бозор хусусида тезкор ахборот йиғиш ва қарор қабул қилиш жараёни учун ўта муҳимдир.

Иккинчидан танлама кузатиш йўли билан олинадиган ахборот мажмуанинг кўп қирраларини ба хусусиятларини атрофлича ўрганиш имконини беради.


Учунчидан танлама кузатишда рўйхатга олувчилар миқдори нисбатан кам бўлганлиги сабабли тадқиқот объектини тайёрлаш у билан мустаҳкам алоқа ва қайта алоқа ўрнатиш имкони бир мунча юқори бўлади бу хусусият эса кузатишда “янгилишишлар” эҳтимолини камайтишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан мажмуа миқёсида кузатиш ўтказиш кўолаб ходимларни жалб қилишда тадқиқот нисбатан арзон ташкил этилади.

Танлама кузатиш асосида Самарқанд шаҳар тижорат дўконларида сотилаётган гилам ва гилам буюмлари ассортиментининг тижорат экспертизасини ўтказдик. Тадқиқот ўтказиш учун Самарқанд шаҳрида жойлашган гилам буюмлари савдоси билан шуғилланувчи Самарқанд ва Ургут танланди ва уларда сотилаётган турли ассортиментдаги гилам ва гилам буюмлари ўрганилди. Ўтказилган тижорат экспертизаси гилам буюмлар ассортиментини шакиллантирувчи омиллар яъни гиламлар тури ишлаб чиқарилган кохонасидаги гилам ва гилам буюмларига берилган безаклари бўйича амалга оширилди бу омиллар нафақат ассортиментини балки истемол хусусиятларини ҳам шакиллантирувчи асосий омиллардир.


Бугунги кунда рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда ишлаб чиқариш, ички истемол бозорини маҳаллий халқ истемол таварлари билан тоқдиришга алоҳида этибор берилмоқда хусусан маҳаллий шароитда истемол таварларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида кенг қўлланма солиқ имтиёзлари жорий этилди улгуржи ва чакана савдони тартибга солиш республикамиз ҳудудида улгуржи савдо бозорлари дўконлар

умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди шу корхоналарга қаратилган бир қанча ишлар амалга оширилиб келмоқда шу жумладан гилам ва гилам буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари очилиб фаолият кўрсатиб келмоқда.




1-диаграмма. Тижорат дўконларида сотилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг ишлаб чиқарилган жойи бўйича тахлили.

Тижорат дўконларида сотилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг тахлили шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган корхоналар миқёсида 40 % ни "SamAntepGilam", 30 % ни "SamBelGilam", 15 % ни "Бекмез Ҳали" Ўзбекистон-туркия қўшма корхонаси, 8 % ни Самарқанд-Бухоро қўшма корхонаси, 7 % ини "Euroasia karpet" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлари ассортименти ташкил этмоқда.



2-диаграмма. Гилам ва гилам буюмлар ассортименти тола таркиби бўйича таҳлили.

Гилам ва гилам буюмлар ассортименти тола таркиби бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, сотилаётган гилам ва гилам буюмларининг 80 % ини сунъий ва синтетик иплар ҳамда калавалардан ишлаб чиқарилган буюмлар, 15 % ини ярим жундан ишлаб чиқарилган буюмлар ва 5 % ини тоза жундан ишлаб чиқарилган гилам ва гилам буюмлар ассортименти ташкил этмоқда.



3-диаграмма. Гилам ва гилам буюмларининг турлари бўйича таҳлили

Гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг турлари бўйича тижорат экспертизаси натижалари шуни кўрсатдики, сотилаётган гилам ва гилам буюмларининг 65 % ини гиламлар ассортименти, 35 % ини гилам буюмлари: паласлар, турли ўлчамдаги йўлакча гилам буюмлари ва турли шаклдаги остона гиламчалари ташкил этмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиққан ҳолда гилам ва гилам буюмлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш корхоналари асосий ишлаб чиқариш ассортиментини истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришга йўналтиришлари мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Гилам ва гилам буюмларининг эрганомик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий ишлаб чиқариш ассортиментини сунъий ва синтетик ҳамда ярим табиий иплар ҳамда калавалардан ташкил топган гилам ва гилам буюмларига қаратишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3-БОБ. ГИЛАМ ВА ГИЛАМ БУЮМЛАРИНИНГ СИФАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ

3.1. Гилам ва гилам буюмлар сифатига қўйиладиган талаблар

Бадий-эстетик кўрсаткичлари бўйича буюмлар белгиланган тартибда тасдиқланган ва келишилган намуна-эталонларга мос келиши керак.

Пат ёки ишчи юзаларни ташкил қилувчи гилам қопламалари ва буюмларида ишлатиладиган хом-ашё ва калава иплар қуйидаги турларга бўлинади:

- Яримжундан тайёрланган – пат ёки ишчи юзаларни ташкил этувчи калава ипларнинг камида 25 % жун толаларидан тайёрланган.
- Синтетикадан тайёрланган – пат ёки ишчи юзаларни ташкил этувчи калава иплар синтетик толалардан тайёрланган.
- Асос учун ипгазлама ва зиғир пояси-толасидан олинган калава ипдан фойдаланилади.
- Иплар ва калава иплар учун хом ашё сифатида пахта толаси ва қоғозлардан, каноп-лавсандан, зиғир канопидан ва синтетик маҳсулотлардан фойдаланилади.

Гилам қопламалари ва буюмларидаги пат баландлиги 6 мм. дан кам бўлмаслиги керак.

Гилам қопламалари ва буюмларидаги патбоғламаларининг маҳкамланиш мустаҳкамлиги 3700 мН дан кам бўлмаслиги керак.

Гилам қопламалари ва буюмлари бўёқланиш мустаҳкамлиги (ейилишдаги цикл сонлари юзи кўрингунча ҳисобланади) 3000 циклдан кам бўлмаслиги керак.

Гилам қопламалари ва буюмларнинг навларини аниқлаш.

Гилам қопламалари ва буюмлари 2 навга ажратилади: 1-чи ва 2-чи.

Шартли ўлчаш умумий балларининг сони қуйидагидан кўп бўлмаслиги керак.

5 – баллгача - 1-чи нав учун.

15 – баллгача - 2-чи нав учун.

Шартли ўлчаш қуйидагича белгиланади:

- Гидам қопламалари учун эни 80 см бўлганда 15 м;
- Битта буюм - майдони 6 м. кв. бўлган донали гидам буюмлари учун.

Ташқи кўриниш нуқсонлари ГОСТ 28415-89 бўйича баллардан баҳоланади.

Гидам қопламалари ва буюмларининг ташқи кўриниш нуқсонлари – тешиқлар, тўқималарини кўриниб қолиши, яққол кўриниб турувчи ямоқлар, янги доғлар, асосининг титилиши, ҳар хил рангдаги яққол кўзга ташланиб турувчи йўл-йўл ранглар, расм ва ранглар уйғунлигининг бузилиши каби гидам қопламалари ва буюмларининг бадий безашда йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлар бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда бу нуқсонлар кесиб олинади.

Гидам қопламалари ва буюмларининг чеккалари махсус машиналарда синтетик ёки калава иплар билан юз томонидан ва қоғоз-пахта толали, калава ёки синтетик иплар билан эса астар томонидан тикиб чиқилади. Иплар ва калава ипларнинг ранги гиламнинг рангига мос бўлиши керак.

Гидам қопламалари ва буюмларининг астар томони аппретираловчи таркиб билан жилов берилиши керак. Бу таркибнинг рецептлари техникавий тавсифларда кўрсатилган бўлиши керак.

3.2. Гидам ва гидам буюмларини сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммоси мамлакат корхоналарининг махсулот ишлаб чиқаришдаги рақобатбардошлигини ошириш бозорни юқори сифатли махсулотлар билан тўлдириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир бу эса ўз навбатида махсулотларни стандартлар

асосида ишлаб чиқариш халқ хўжалигини метралогиқ таминлаш ва сифатни бошқариш масалаларига алохида этибор берилишини тақоза этади.

Чет эл ва мамлакатимиз мутахасисларининг фикри бўйича махсулот рақобат бардошлигини 70-80 фоизи унинг сифатига боғлиқдир . юқори сифатли махсулотларни ишлаб чиқаришни таминлаш учун давлат ўз иқтисодиётини ва биринчи навбатда ишлаб чиқариш тармоқларини бугунги кун талабларига муофиқ қайта кўриш уларни энг янги технологиялар ва асбоб ускуналар билан жихозлаши кераклиги бугунги куннинг энг долзарб масалалари бўлиб қолмоқда.

Истемол хусусиятлари тизими сифатининг истемол кўрсаткичлари номенклатураси ҳакилланишининг асоси бўлиб хизмат қилади истемол хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари наменклатурасини танлаш қуйдаги босқичлар билан амалга оширилади:

- Товарни ўрганиш;
- Аниқ товар ва товар гуруҳи учун истемол хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари номенклатурасини ишлаб чиқиш.

Товарнинг истемол хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари номенклатурасини аниқлшнинг усули эксперт усули ҳисобланади.

Истемол хусусиятлари ва уларнинг кўрсаткичлари номенклатурасини ишлаб чиқиш ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг техник дражаси кишилар эҳтиёжи ва истемолчиларнинг товар сифатига бўлган талабининг ўзгаришига боғлиқ. Турли гуруҳ товарлари бевосита истемол жароянида пайдо бўладиган ва уларнинг фойдалилигини характерловчи турли хилдаги комплекс хусусиятларга эга улар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Ишлтилиш жараёнида бир буюмнинг истемол хусусиятлари кишининг эҳтиёжини қондириш билан бирга унинг организмига ижобий ёки салбий тасир кўрсатиши мумкин шунинг учун комплекс истемол хусусиятларидан асосийларини яъни конкирет Товар сифатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганларини аж ратиб олиш ва уларни аҳамиятини белгилаш муҳим товарнинг сифатини баҳолашда истемол хусусиятларини тавсифловчи

кўрсаткичларнинг номланиши ва йўл қўйилши мумкин бўлган чегараларни аниқлаш муҳим. Истемол хусусиятларининг кўрсаткичлари ва уларнинг муҳимлиги товарнинг хусусияти ва ишлатилишига боғлиқ буларга товар сифатини баҳолашда ва буюмнинг ишлатилиш ҳамда кишилар эҳтиёжини тўла қондиришини тامينлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган катта-кичиклик оғирлик ва бошқалар каби параметрлар киради масалан поябзал кийим-кечак спорт товарлари сифатини баҳолашда оғирлик бошқа кўрсаткичларга қараганда муҳимроқ бўлса гиламни сифатини баҳолаш учун эса унинг фактураси ҳамда колорити муҳим ҳисобланади.

Сифат кўрсаткичлари номенклатураси истемол хусусиятлари номенклатурасига тўғри келиши керак. Истемол хусусиятлари тизими алоҳида тиварлар гуруҳи ва шу товарларнинг бажараётган вазифаси илмий техник ютуқлар ва товар тўғрисидаги бизнинг билимимиз бажараётган вазифаси илмий техник ютуқлар ва товар тавар тўғрисидаги бизнинг билимимиз дараласига кўра аниқланади ва ўзгартирилади. Товарнинг гуруҳлари ва ишлатилишига боғлиқ ҳолда айрим хусусиятлар ва кўрсаткичлар норматив техник ҳужжатлардан олиб ташланади бошқалари эса аксинча қўшилади. Тайёр буюмлар сифатини баҳолашда товарнинг қайси хусусиятлари юзага келишига қараб истемол хусусиятларини қуйидаги гуруҳларга бўладилар ижтимоий мўлжалланганлиги, функцианал, чидамлилиқ, эргономик, эстетик, экологик ва истемол қилиш хавсизлиги. Гилам буюмлар сифат кўрсаткичлари наменклатурасида келтирилган гилам стандарти ҳамма турдаги гилам буюмларига талукли бўлиб улар учун мажбурий сифат кўрсаткичлари наменклатурасини белгилайди сифат кўрсаткичлари гилам буюмларини иқлим шароитлари ва механик тасирларига эскиришга чидамлилиқ эстетик ва бошқа истемол хусусиятлари шу билан бирга буюмни тайёрлашда керак бўлган талабларни тавсифлайдиган фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш керак сифат кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

-умумий – ҳамма турдаги буюмлар учун мажбурий;

-қўшимча –алохида турдаги буюмлар учун уларни ишлатилиш ва тола таркибига боғлиқ холда мажбурий сифатнинг умумий кўрсаткичлариг кўйдагиларни киритадилар;

-тола таркиби (турли хилдаги толаларнинг миқдори %);

-ип ёки калаванинг юғон ёки ингичкалиги, текст (метрик номери); тўқиш зичлиги кабилар киради.

Гидам ва гидам буюмларининг ***ишқаланишга чидамлилигини аниқлаш.***

Ишқаланиш ёки ейилиш деб, материалларнинг ишқаланиш ҳаракати натижасида бузилиш (йиртилиш) жараёнига айтилади. Материалларнинг бу бузилишларга қаршилик кўрсатиши уларнинг *ишқаланиш ёки ейилишга чидамлилиги* дейилади. Гидам ва гидам буюмлари нинг ишқаланишга чидамлилиги эксплуатация қилиниш пайтида уларни ишқаланиш жараёнини моделлаштирувчи ҳар хил конструкциядаги асбобларда аниқланади. Гидам ва гидам буюмларининг ҳам текислиги, ҳам эгилиши бўйича ишқаланишга чидамлилиқ кўрсаткичлари баҳолаш учун жуда муҳим ҳисобланади (улар кўпинча букланган жойлари бўйича ейилади).

Гидам ва гидам буюмларининг ***ғижимланмаслигини аниқлаш***

Гидам ва гидам буюмларининг эгилиш-букилишни ҳосил қилувчи юклар таъсири тўхтагандан сўнг, уни бошланғич формасигача эластик тикланишини таъминловчи хусусиятлари *ғижимланмаслик* деб аталади.

Ғижимланмаслик гидам ва гидам буюмларининг намунасининг тикланиш бурчагини тўлиқ букланиш бурчагига (180^0) нисбати билан ҳарактерланади ва фоизларда ифодаланади.

Гидам ва гидам буюмларининг ***қисқариши (киришиши)ни аниқлаш***

Вақт ўтиши ёки ҳар хил таъсирлар натижасида (нам-иссиқ ишлов бериш, механик ва бошқа таъсирлар) гидамлар размерларининг камайиши *қисқариши* дейилади.

Барча гидам ва гидам буюмларининг ***қисқариш*** катта-кичиклиги бўйича уч гуруҳга ажратилади.

Гидамлар гуруҳи	Қисқариш, % кўп эмас		гидамлар таърифи
	танда бўйича	арқоқ бўйича	
1	1,5	1,5	Деярли қисқармайдиган
2	3,5	2,0	Кам қисқарувчи
3	5,0	2,0	Қисқарувчи

Гидамларнинг қисқаришини аниқлаш усуллари ҳар хил толали таркибдаги газламаларининг ҳақиқий ювилиш шароитини ўхшатувчи нам-иссиқ ишлов беришгача ва ундан сўнг намуналарнинг чизиқли размерларини ўлчашга асосланган.

Газламанинг сув шимишлигини аниқлаш

Сув шимишлик деб, буюмларни сувга ботирганда уларнинг сув шимиш қобилятига айтилади. Сув шимишлик намуна шимиб олган сув массасининг куруқ намуна массасига нисбати билан ҳарактерланади ва фоизларда ифодаланади.

Гидам ва гидам буюмларининг электрланишини аниқлаш

Гидам ва гидам буюмларининг электрланиши тўқимачилик, айниқса кимёвий тола ва иплардан тайёрланган буюмларини комплекс физиология – гигиеник баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга. Буюмларнинг статик электр зарядларни тўплаш хусусиятлари *электрланиш* деб аталади.

Гидам ва гидам буюмларининг бўёғининг ҳар хил таъсирларга

чидамлилигини аниқлаш

Бўёқнинг чидамлилиги деб, унинг ҳар хил таъсирлар (физик-кимёвий, ишқаланиш, ёруғлик, дистилланган сув, ювиш, дазмоллаш ва бошқалар)га қаршилиқ кўрсатиш қобилятига айтилади.

Материал бўёғининг чидамлилиги бирламчи бўёқнинг оқариб бошлаши (оқариши) ва мос келувчи ишловларга берилган оқ материалнинг бўялиш даражаси бўйича аниқланади. Бўёқнинг чидамлилиги балларда баҳоланади ва иккита кулранг этолон ёрдамида амалга оширилади. Эталонлар шкаласи бўёқнинг чидамлилигини 1дан 5 баллгача баҳолаш имкониятини яратиб беради. Бунда 1 балл-паст, 5 балл-енг юқори даражада чидамли эканлигини

билдиради. Ҳар бир эталонлар шкаласи 5 жуфт ҳар хил концентрациядаги намунадан ташкил топган. Бунда энг юқори концентрация 1 баллга тўғри келади, концентрация бўлмаса – 5 баллга.

Гидам ва гидам буюмларининг бўёқларининг физик-механик таъсирларга чидамлилиқ даражаси бўйича 3 гуруҳга бўлинади:

- «ОК» деб белгиланадиган одатдагидек бўёқли;
- «ПК» мустаҳкам бўёқли;
- «ОПК» жуда ҳам мустаҳкам бўёқли.

Гидам ва гидам буюмларининг бўёғининг чидамлилиқ нормалари мос келувчи стандартларда пахта, зиғир, жун ва ипак газламалари учун белгиланган.

Гидам ва гидам буюмларининг сифатини баҳолаш ва уларнинг навларини аниқлаш усуллари

Гидам ва гидам буюмларининг сифати уларнинг ишлатилиши бўйича маълум бир эҳтиёжни қондириш учун яроқлилигини таъминловчи комплекс истеъмол хусусиятлари билан ҳарактерланади. Гидам ва гидам буюмларининг сифатини баҳолаш учун асосан қуйидаги ҳарактеристикалардан фойдаланилади: истеъмол хусусиятларини белгиланган нормага мос келиш даражаси, нави ва сифат категорияси. Кўрсатилган кўрсаткичлар мос келувчи меъёрий-техник ҳужжатларга асосан аниқланади Гидам ва гидам буюмларининг навларга ажратиш учун алоҳида стандартлардан фойдаланилади. Гидам ва гидам буюмларининг нави унинг физик-механик кўрсаткичлари ва ташқи кўринишининг нуқсонлари бўйича аниқланади. Айрим кўрсаткичлари бўйича (танда ва арқоқнинг зичлиги, юза зичлиги, узувчи юклар Гидам ва гидам буюмларининг и ва бошқалар) гидам ва гидам буюмларининг 2-навлари учун 1-навли қабул қилинган минимал нормалардан чеккага чиқиш нормалари белгиланган.

Гидам ва гидам буюмларининг нави органолептик система бўйича аниқланади. Навларини баҳолаш рухсат этиладиган физик-механик

кўрсаткичлар ва ташқи кўринишидаги нуқсонларнинг чегараланиши бўйича дифференцияланган ҳолда ўтказилади.

Гилам ва гилам буюмларининг ва донабай буюмлар партияси меъёрий-техник ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида ташқи кўриниши, ўраб-боғланиши ва маркаланишининг мос келиши бўйича барча партия текширилади. Нав энг ёмон кўрсаткич бўйича белгиланади.

3.3. Гилам ва гилам буюмларининг сифат экспертизаси

Гилам ва гилам буюмларнинг массаси ва унинг ҳажмлилиги, иссиқлик сақлаш хусусияти, узишда узилиш ва чўзилишга мустаҳкамлиги, ишқаланишга чидамлилиги ва таранглиги (эластиклиги), ювилгандан сўнг қисқариши, ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги ҳамда ташқи кўриниши нотўқима материаллар (НТМ) нинг сифатини ҳарактерловчи асосий хусусиятлар ҳисобланади.

Табиий ва вискоза тола таркибли гиламлар энг гигиеник ва юмшоқ бўлади. Жун ва синтетик толали гиламлар ва гилам буюмлари таранглик (эластик) хусусиятлари ва ғижимланмаслиги билан ажралиб туради. Капрон ва лавсан толали гиламлар ва гилам буюмлари ейилишга юқори даражада чидамли бўлади.

Эксплуатация қилиниш жараёнида гиламлар ва гилам буюмларининг структураси негадир «бўшашиб» (заифлашиб) қолади. н гиламларнинг микроструктураси ва «иш қобиляти»га толаларнинг табиати, қалинлиги ва узунлиги, массасининг ўзаро нисбати, бир-бирига нисбатан ориентирланиши (йўналиши) ва толали массанинг боғланиш усули таъсир этади.

Толаларнинг етарлича бир-бири билан боғланмаслиги, гиламлар ва гилам буюмлари нинг жи ддий камчилиги ҳисобланади.

Гилам ва гилам буюмларининг *мустаҳкамлиги* тикувчи ипларнинг тури ва чоклар частотасига боғлиқ бўлади. Масалан, капрон ипларининг

қўлланилиши гиламлар ва гилам буюмларининг узилишга ва ейилишга чидамлилигини оширади.

Гиламлар ва гилам буюмлар физик-механик хусусиятлари бўйича жуда хилма-хил. *Узоққа чидамлилиги*, яъни узилишга мустаҳкамлиги, қолдиқ деформацияси, ювилгандан сўнг юқори даражада қисқариши ва пиллинг ҳосил қилиши бўйича тола таркиби ва ишлаб чиқариш усулига боғлиқ бўлади.

Гилам ва гилам буюмларининг *истеъмол хусусиятлари* уларнинг тола таркиби, структураси ва пардозининг таъсири остида шаклланади.

Гилам ва гилам буюмларининг ишлаб чиқаришнинг умумий принциплари тўшама тузиш (толалар, хом пишитилган иплар, калавалар), уларни бириктириш ва пардозлашдан иборат. Гилам ва гилам буюмларининг хусусиятларига толали таркиблардан ташқари тўшамани бириктириш усули ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда тўшамаларни бириктиришда қўлланиладиган иккита асосий усул маълум: *физик-кимёвий* (елимланган материаллар) ва *механик* (тўқиб тикилган ва бошқалар). Йелимлаб ва тўқиб ишлаб чиқарилган пилам ва гилам буюмларининг структураси, истеъмол хусусиятлари ва ишлатилиши бўйича жиддий равишда бир-биридан фарқ қилади.

Боғловчиларнинг тури, қўшилган боғловчиларнинг сони, уларнинг структурада жойлашиш характери ва толалар билан ўзаро боғланишдаги ўзига хос хусусиятлари елимланган гилам ва гилам буюмларининг истеъмол хусусиятларини белгилайди.

Йелимланган гилам ва гилам буюмларининг истеъмол хусусиятлари юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга боғлиқ. Бу буюмлар қалинлигининг ва 1м^2 массаси, катта ҳажмий массаси, сезиларли қаттиқлик ва юқори эластиклигининг муваффақиятли бирлашиши, кам чангланиши ва кам чанг ўтказувчанлиги уларнинг характерли хусусиятлари ҳисобланади.

Гилам ва гилам буюмларининг механик принцип асосида ишлаб чиқариш қуйидаги усулларнинг бири билан тўшамани бириктиришга

асосланган: тўқиб-тикиш, игна билан тешиш ёки кигизлаш усуллари. Тўшамалар ҳар хил толали таркибга эга бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усулларда олинган барча гилам ва гилам буюмларининг узилиши умуман олганда, етарлича бир хилда эмаслиги ва структура элементларининг ўзаро боғланишининг анчагина бўшлиги билан характерланади.

Гилам ва гилам буюмларининг эстетик хусусиятлари сезиларли даражада ўзига хос бўлган хусусиятларга эга.

Гилам ва гилам буюмларининг сифати навлари ва сифат категориялари билан характерланади.

Гилам ва гилам буюмларининг сифати асосан балли система бўйича ташқи кўринишидаги тарқалган ва бир жойдаги нуқсонларининг йиғиндисига қараб аниқланади.

Тарқалган нуқсонларга ҳар хил хос-чўплар ва ўлик жунлар билан ифлосланиши, шишиб қолган жойлар, рангининг хилма-хиллиги, полотнонинг охиригача бўялмаганлиги, тикувчи ипларининг узилиши каби нуқсонлар киради.

Бир жойдаги нуқсонлар чизиқли ва майдони бўйича ўлчанадиган нуқсонлар бўлиши мумкин. Балларнинг йиғинди (суммарний) сони 1-нав учун 20дан кўп эмас, 2-нав учун-50дан кўп эмас.

Бир жойда жойлашган кўпол нуқсонлар кесиб ташланади. Шунинг учун бўлакнинг шартли майдонида биттагача кесик бўлишига рухсат этилади.

Гилам ва гилам буюмларининг физик-механик хусусиятлари ва рангининг турғунлиги белгиланган талабларга мос келиши керак.

Аттестация пайтида, гилам ва гилам буюмларининг масалан, толали таркиби, тушеси, пиллинг ҳосил бўлишига чидамлилиги, структурасининг бирдайлиги, массаси бўйича бир хил эмаслиги, ювилгандан сўнг қисқариши ва бўёғининг мустаҳкамлиги эътиборга олинади.

Органолептик баҳолашда гилам ва гилам буюмларининг бадий-колористик безатилиши, структураси ва пардози аниқланади.

Гилам ва гилам буюмларининг сифатига таъсир этувчи омиллар куйидагилар ҳисобланади: хом ашё материалларининг тола таркиби ҳамда сифати, ишлаб чиқариш жараёнининг технологик таъминоти, ишлаб чиқариш усули, шакли ва тузилишининг ўзаро мослиги, ўрами, тамғаланиши, ташиш ва сақланишининг талабга жавоб бериши ва ҳоказолар.

Гилам ва гилам буюмларининг сифат кўрсаткичлари икки катта гуруҳга бўлинади ва буюмларнинг сифатини баҳолашда қўлланилади: - органолептик усул ёрдамида ташқи кўриниши, ранги, шакли, берилган безаклари, безакларнинг мавзуйига доир тўғри келиши, норматив-техник ҳужжатида биноат 40 баллик система орқали баҳоланади.

-жадвал

Гилам буюмларини органолептик усулида баҳолаш натижалари

Гилам турлари Сифат кўрсаткичлари	Хукмдор 	Император 	Sultan gold 
Бадийлиги	18	15	18
Нақши ва рангларнинг ўзаро монандлиги	10	6	10
Тузилиши	10	8	6
ЖАМИ	38	29	34

“Бекмез Ҳали” кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гиламлар ассортиментининг ташқи кўринишини органолептик усулда баҳолаш натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, “Хукмдор” гилам тури

бадийлиги, нақши ва рангларнинг ўзаро монандлиги, тузилиши жиҳатидан баҳолаганда умумий 38 балл тўплаб, олий навли гилам деб баҳоланди.

“Император” гилам тури умумий 29 балл тўплаб 2-навли гилам деб баҳоланди.

“Sultan gold” гилам тури умумий 34 балл тўплаб 1-навли гилам деб баҳоланди.

Ишлаб чиқарилиш жараёнида қужудга келган нуқсонларнинг ҳажми сони бўйича гилам ва гилам буюмлари 2 навга бўлинади. Стандарт талабига кўра 1-нав гилам ва гилам буюмларида мавжуд бўлган нуқсонларга қўйилган балли 10 баллдан ошмаслиги керак бўлса, 2-нав гилам ва гилам буюмларида мавжуд бўлган нуқсонларга қўйилган баллар 20 баллдан ошмаслиги керак.

-жадвал

Гилам ва гилам буюмларининг сифатини баҳолаш натижалари

Нуқсонларнинг тури ва ўлчами	Нуқсонларни баҳолаш (балларда)		
	Ҳукмдор 	Император 	Sultan gold 
Пат узунлигининг ҳар хиллиги	-	20 см, 4 балл	30 см, 4 балл
Ранг тусларининг ҳар хиллиги	-	3 балл	3 балл
Нақшларининг бузилганлиги	-	3 см, 7 балл	-
Тескари томонида доғларнинг мавжудлиги	5 см, 2 балл	10 см, 4 балл	-
Жами	2 балл	18 балл	7 балл

“Бекмез Ҳали” кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган гиламларда мавжуд бўлган нуқсонларни баҳолашда қуйидаги натижалар олинди:

1. “Ҳукмдор” гиламида битта нуқсон тескари томонида 5 см да доғнинг мавжудлиги 2 балл билан баҳоланди. Стандарт талабига кўра 1-нав деб баҳоланди (1-нав 5 баллгача).

2. “Иператор” гиламини баҳолашда 4 та нуқсон мавжудлиги аниқланди: пат узунлигининг ҳар хиллиги 20 см да 4 балл, ранг тусларининг ҳар хиллиги 3 балл, нақшларининг бузилганлиги 3 см да 7 балл, тескари томонида ёғли доғларнинг мавжудлиги 10 см да 4 балл. Умумий нуқсонларга берилган балларнинг йиғиндиси 18 баллни ташкил этиб, Стандарт талабига кўра брак деб ҳисобланиб, гилам буюмларга кесиш учун қайта цехларга юборилди.

3. “Sultan gold” гиламини баҳолашда 2 та нуқсонлар мавжудлиги аниқланди: пат узунлигининг ҳар хиллиги 30 см да 4 балл, ранг тусларининг ҳар хиллиги 3 балл. Умумий нуқсонларга берилган балларнинг йиғиндиси 7 баллни ташкил этиб, стандарт талабига кўра 2-нав деб баҳоланди (2-нав 15 баллгача).

3.4. Самарқанд шаҳар дўконлари ишчи-ҳодимлар меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигида, қонунда кўрсатилганидек:

- меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Ҳаёт фаолияти – бу меҳнат шароитини, технологик жараёни, ажралиб чиқадиган захарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни мунтазам равишда илмий таҳлил қилиб боришдир.

Чунки, фақат таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси ўзаро боғланган, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқаришда, ташкилотларда ҳар бир раҳбар ва муҳандиснинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу борада, ялпи сафарбарлик билан ташкилотларда меҳнат хавфсизлигига доир барча қарор ва ҳужжатларни таҳлил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги даражасини кўтариш, иш юритишда техника хавфсизлиги машғулотларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари, хизматчи ва ишчилари ўртасида шикастланишнинг олдини олиш ҳамда давлат стандарти масалалари талабларига риоя этиш мақсадида «Меҳнатни муҳофаз қилиш тўғрисида» Қонуннинг қабул қилинганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бу соҳадаги барча чора-тадбирлар айнан қонун асосида талаб этилади.

Агар биз «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни мазмун жиҳатидан кўриб чиқсак, унда унинг ўз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларни мужассамлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги

кўрсатиб ўтилган. Касбий зарарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартирилган иш куни, қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, зарарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ, зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнат қиляётганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади. Касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиби жорий этилган.

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиши шарт. Йўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос зарарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бахтсиз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади.

Иш жойидаги йўриқлантирув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси, иш жойи техника хавфсизлиги йўриғи билан танишади. Йўриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичида тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлаш билими комиссия томонидан қониқарли деб баҳоланган ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йўриқлантирув махсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камида бир маротаба иш жойидаги йўриқлантирув қайтариб турилади. Технологик жараён ўзгарганда, корхонага янги машина ва агрегатлар ўрнатилганда, цехда заҳарланиш ва бахтсиз ҳодисалар туфайли шикастланувчилар кўпайса, унда режадан ташқари йўриқлантирув ўтказилади.

Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича махсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар, газда ишлайдиган машина ва аппаратлар, компрессорлар, электр ускуналарда ишлайдиган лифтлар, электр транспорти ҳайдовчилари, газ ҳамда электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни қўйишдан олдин уларнинг билими синаб қўрилади ва уларга «наряд рухсат» берилади. Унда ишни бошлаш ва тугатиш вақти, ишни бошлашдан олдин тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзиб қўйилган бўлади.

Наряд рухсатлар бош муҳандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси бўйича аттестациядан ўтган бўлиб, хавфли ишлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар ва корхона директори томонидан тайинланади.

Саноат корхоналарига меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва тарғибот қилиш мақсадида техника хавфсизлиги хоналари ташкил этилади. Унда техника хавфсизлигига оид қўлланмалар, махсус адабиётлар, замонавий шахсий ҳимояланиш воситалари бўлиши зарур. Бундай хоналар умумий йўриқлантирув ўтказишда фойдаланилади.

Савдо корхоналарида Меҳнат Кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларни бузишда айбланган раҳбар шахслар маъмурий моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жавобгарлик – ходимга хайфсан бериш, ишдан четлаштириш, ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишдан иборат. Моддий жавобгарлик эса «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузган шахсларни назорат ташкилотлари томонидан белгиланган миқдорда жарима тўлашга ёки келтирилган моддий зарарни қоплашга мажбур қилишдан иборат. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузиш бахтсизлик ёки ўлимга сабаб бўлса, айбдор шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Хулоса ва таклифлар

Азалдан уйда ҳақиқий шинамликини яратувчи асосий жиҳозлардан бири гиламлар ҳисобланган улар бежирим ва интерерни безатувчидир гўзалик ихлосмандлари ва дизайн мутахасислари бугунги кунда бекмез ҳали маҳсулотларини танлашади 2007 йилда ташкил этилган бекмез ҳали Ўзбек Турк қўшма корхонаси Ўзбекистонда энг замонавий ва инавацион гилам ишлаб чиқарилиш корхоналаридан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам маҳсулотлари сифати жиҳатдан жундан ишлаб чиқарилган гиламларга тенг келмоқда корхона ўз фаолиятини узлуксиз амалга ошириб боориш учун асосий хомашё материалларини нафақат маҳаллий балки импорт орқали Туркия Эрон Хитой Россия Украина каби давлатларидан шартнома асосида сотиб олиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Маҳаллий бозорларда сотилаётган гилам вагилам буюмлар ассортиментини кенгайтириш ва истемолчилар талабини қондириш мақсадида Бекмез ҳали Ўзбекистон Туркия қўшам корхонасида 4-турдаги 30 га яқин артикулда гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Булардан, Хукмдор - Ананавий равишда, гилам сўнги технология жиҳозларида юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² зичлиги да 960 000 поинтни ташкил қилади, патининг узунлиги 13 мм, 8 хил рангда ишланган. Император - гилам сўнги технология жиҳозларида, юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² да зичлиги 480 000 поинтни ташкил қилади, патининг узунлиги 13 мм, 8 хил рангда ишланган ва қўлда уйма қилинган. SULTAN GOLD - ўзининг жозибали дизайни билан лол қолдирадиган ушбу гилам акрилли ва юқори сифатли полипропилен ипларидан тўқилган бўлиб, 1 м² да зичлиги 480 000 поинтни ташкил этади, патининг узунлиги 13 мм.

Тижорат дўконларида сотилаётган гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг таҳлили шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган корхоналар

миқёсида 40 % ни “SamAntepGilam”, 30 % ни “SamBelGilam”, 15 % ни “Бекмез Ҳали” Ўзбекистон-туркия қўшма корхонаси, 8 % ни Самарқанд-Бухоро қўшма корхонаси, 7 % ини “Euroasia karpet” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмлари ассортименти ташкил этмоқда.

Гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг тола таркиби бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, сотилаётган гилам ва гилам буюмларининг 80 % ини сунъий ва синтетик иплар ҳамда калавалардан ишлаб чиқарилган буюмлар, 15 % ини ярим жундан ишлаб чиқарилган буюмлар ва 5 % ини тоза жундан ишлаб чиқарилган гилам ва гилам буюмлар ассортименти ташкил этмоқда.

Гилам ва гилам буюмлар ассортиментининг турлари бўйича тижорат экспертизаси натижалари шуни кўрсатдики, сотилаётган гилам ва гилам буюмларининг 65 % ини гиламлар ассортименти, 35 % ини гилам буюмлари: паласлар, турли ўлчамдаги йўлакча гилам буюмлари ва турли шаклдаги остона гиламчалари ташкил этмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиққан ҳолда гилам ва гилам буюмлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш корхоналари асосий ишлаб чиқариш ассортиментини истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришга йўналтиришлари мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Гилам ва гилам буюмларининг эрганомик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий ишлаб чиқариш ассортиментини сунъий ва синтетик ҳамда ярим табиий иплар ҳамда калавалардан ташкил топган гилам ва гилам буюмларига қаратишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Гилам ва гилам буюмларининг сифатига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади: хом ашё материалларининг тола таркиби ҳамда сифати, ишлаб чиқариш жараёнининг технологик таъминоти, ишлаб чиқариш усули, шакли ва тузилишининг ўзаро мослиги, ўрами, тамғаланиши, ташиш ва сақланишининг талабга жавоб бериши ва ҳоказолар.

Гилам ва гилам буюмларининг сифат кўрсаткичлари икки катта гуруҳга бўлинади ва буюмларнинг сифатини баҳолашда қўлланилади: - органолептик усул ёрдамида ташқи кўриниши, ранги, шакли, берилган безаклари, безакларнинг мавзуйига доир тўғри келиши, норматив-техник ҳужжатида биноат 40 баллик система орқали баҳоланади.

“Бекмез Ҳали” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гиламлар ассортиментининг ташқи кўринишини органолептик усулда баҳолаш натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, “Ҳукмдор” гилам тури бадиийлиги, нақши ва рангларнинг ўзаро монандлиги, тузилиши жиҳатидан баҳолаганда умумий 38 балл тўплаб, олий навли гилам деб баҳоланди.

“Император” гилам тури умумий 29 балл тўплаб 2-навли гилам деб баҳоланди.

“Sultan gold” гилам тури умумий 34 балл тўплаб 1-навли гилам деб баҳоланди.

Ишлаб чиқарилиш жараёнида қужудга келган нуқсонларнинг ҳажми сони бўйича гилам ва гилам буюмлари 2 навга бўлинади. Стандарт талабига кўра 1-нав гилам ва гилам буюмларида мавжуд бўлган нуқсонларга қўйилган балли 10 баллдан ошмаслиги керак бўлса, 2-нав гилам ва гилам буюмларида мавжуд бўлган нуқсонларга қўйилган баллар 20 баллдан ошмаслиги керак.

“Бекмез Ҳали” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган гиламларда мавжуд бўлган нуқсонларни баҳолашда қуйидаги натижалар олинди:

4. “Ҳукмдор” гиламида битта нуқсон тескари томонида 5 см да доғнинг мавжудлиги 2 балл билан баҳоланди. Стандарт талабига кўра 1-нав деб баҳоланди (1-нав 5 баллгача).

5. “Иператор” гиламини баҳолашда 4 та нуқсон мавжудлиги аниқланди: пат узунлигининг ҳар хиллиги 20 см да 4 балл, ранг тусларининг ҳар хиллиги 3 балл, нақшларининг бузилганлиги 3 см да 7 балл, тескари томонида ёғли доғларнинг мавжудлиги 10 см да 4 балл. Умумий нуқсонларга берилган балларнинг йиғиндиси 18 баллни ташкил этиб, Стандарт талабига

кўра брак деб ҳисобланиб, гилам буюмларга кесиш учун қайта цехларга юборилди.

“Sultan gold” гиламини баҳолашда 2 та нуқсонлар мавжудлиги аниқланди: пат узунлигининг ҳар хиллиги 30 см да 4 балл, ранг тусларининг ҳар хиллиги 3 балл. Умумий нуқсонларга берилган балларнинг йиғиндиси 7 баллни ташкил этиб, стандарт талабига кўра 2-нав деб баҳоланди (2-нав 15 баллгача).

Гилам ва гилам буюмлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо ташкилотларига қуйидагиларни таклиф этамиз.

- ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳар-бир ишлаб чиқариш жараёнини каттиқ назоратга олиб, сифати талабга жавоб берадиган гилам ва гилам буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам буюмларининг нақшларига турли рангларни беришдан олдин бўёқлар сифатига эътибор бериб, сифати талабга жавоб берадиган ташқи муҳит таъсирида ўзгармайдиган, чидамли бўёқларни ишлатишини тавсия қиламиз;

- савдо ташкилотлари билан яқин алоқада бўлиб, истеъмолчиларни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ассортиментини такомиллаштириб бориши;

- турли табақадаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда кенг ўлчамдаги гилам ва гилам буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳам 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги қилган маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2013 йил 19 январ, №13 (5687).
2. Каримов И.А. Барча режа ва дастуримиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011 йил, 48 бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Метралогиya тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. “Тошкент”, ТДИУ қошидаги “Иқтисодиёт” нашриёти, 19-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2010.
8. Нормакматов Р., Ахмеджанова Ф. ва бошқалар. Товаршунослик. Тошкент, Меҳнат, 2004.
9. Атамуратов К. Ноозиқ-овқат товарлари сифат экспертизаси. Самарқанд. СамИСИ босмахонаси, 2010.
10. Ахмеджанова Ф.А. Халқ истеъмол товарлари товаршунослиги ва сифатининг экспертизаси. Маърузалар матни. Самарқанд-2002.

- 11.Петришев Ф.А. Теоретические основы товароведения и экспертизы непродовольственных товаров. М.: «Дашков». 2005.
- 12.Шепемов А.Ф. Товароведения и экспертиза непродовольственных товаров. М.: ИКЦ «Март». 2003.
- 13.Интернет сайтлари: www.standart.uz
- 14.www.standart.com
- 15.www.iso.com
- 16.www.ziyonet.uz
- 17.www.lex.uz